Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 28-iyun, shanba № 79 (3428)

Бугунги глобаллашув асрида ҳар қайси инсон, ҳар қайси касб эгасининг ўз малакаси ва савиясини ошириши учун қандайдир мафкуравий тўсиқ ва чеклашлар қолмаганини барчамиз яхши биламиз. Гап фақат ўқиб-ўрганишдан, изланишдан тортинмаслик, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, бу йўлдан қатъият билан илгарилаб боришга боғлиқ.

Ислом КАРИМОВ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

Қадрли дўстлар!

Аввало, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида жонкуярлик ва жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган сиз, азиз журналистлар, радио ва телевидение, нашриёт ва матбаа соҳаси ходимларига ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириб, сизларни бугунги касб байрамингиз билан миллионлаб мухлисларингиз, бутун эл-юртимиз қатори чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Шу хурсандчилик кунда барча-барчангизни самимий қутлар эканман, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: «Адолат ва озодлик дастурингиз ва раҳбарингиз бўлсин. Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир», деб айтган чуқур маъноли даъвати халқимизнинг фидойи фарзандларига, авваламбор, ҳамиша эл-юрт ташвиши ва манфаати билан ёниб яшайдиган сиз, матбуот аҳлига қаратилган, десам, ўйлайманки, кўпчилик жамоатчилигимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Муҳтарам дўстлар!

Ҳаммамизга маълум, бугунги кунда жаҳон миқёсидаги глобаллашув, ахборот-коммуникация технологиялари замони, қолаверса, бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган, тобора кучайиб бораётган талабларни ҳисобга олмасак, шиддатли давр билан ҳамқадам бўлиб яшамасак, ўз-ўзидан аёнки, стратегик мақсад ва вазифаларимизни амалга оширишимиз, тараққий топган замонавий демократик давлатлар қаторига киришимиз гумон бўлиб қолади.

Бу юксак талабни барчамиз, биринчи навбатда доимо жамиятнинг олдинги сафларида бўлиб келаётган сиз, матбуот аҳли яхши тушунасиз, англайсиз, деб биламан.

Айни шу талабни инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини, уларнинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва янгилаш, техник ва технологик модернизация қилиш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини кўтариш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлида, айтиш мумкинки, катта ишлар амалга оширилди.

Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида қандай муҳим дастур ва тадбирлар амалга оширилаётгани сизларга яхши маълум, албатта. Хусусан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш бўйича оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини оширишда янги, юксак босқич бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Бу борада айрим мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, жамият ҳаётининг кўзгуси бўлган ушбу соҳани ривожлантириш бўйича сўнгги йилларда катта амалий қадамлар қўйганимиз яққол аён бўлади.

Бугунги кунда юртимизда 1400 га яқин оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг орасида анъанавий ахборот воситалари бўлмиш газета-журналлар, теле ва радиоканаллар билан бирга энг замонавий ва илғор медиа тармоқлари — рақамли ва мобиль телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио, умуман, интернет журналистикаси миллий ахборот майдонида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон телеканалларининг дастурлари глобал тармоқ орқали реал вақт режимида дунёнинг кўплаб мамлакатларида намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида кейинги пайтда ташкил этилган «Маданият ва маърифат», «Дунё бўйлаб», «Болажон» телеканаллари қаторида «Диёр», «Оилавий», «Кинотеатр», «Наво» каби янги телеканаллар халқимизнинг илмий-маърифий, маънавий-маданий савиясини юксалтириш, мазмунли ҳордиқ чиқаришга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида ўз фаолиятини такомиллаштириб бораётгани эътиборга лойиқ.

Оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналари, матбуот тарқатувчи ташкилотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган Президент қарорига биноан улар учун яратилган имтиёз ва преференциялар мазкур тузилмаларнинг мустақиллигини сўзда эмас, амалда таъминлашда қулай молиявий шароит туғдириб, ушбу соҳада меҳнат қилаётган минг-минглаб ишчи ва ходимларнинг даромадини, моддий фаровонлигини ошириш билан бирга бошқа бир қатор тармоқлар ривожига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз ахборот майдонида соғлом рақобат муҳитини яратиш, фикрлар хилма-хиллигига эришиш, матбуот минбари орқали барча ижтимоий қатламларнинг фикр ва қарашларини ифода этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситаларининг фидойилари бўлган, турли долзарб масалаларни қалбидан, юрагидан ўтказиб, бу соҳанинг бошқа тармоқлардан кам бўлмаслиги учун доимо интилиб яшайдиган сиз, муҳтарам журналистлар бир ҳақиқатни албатта яхши англайсиз, деб ишонаман: бугунги кунда, айни шу мураккаб ва қалтис замонда дунёда, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни чуқур идрок этиш, уларнинг туб моҳиятига етиб бориш учун, аввало, одамларда мустақил фикрлаш ва яна бир бор мустақил фикрлашни шакллантириш талаб қилинади.

Турли ғоя ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда ёлғонни рост, ростни ёлғон, деб кўрсатишга уриниш, ахборот-коммуникация воситаларини ўзининг узоқни кўзлайдиган манфаатларига хизмат қилишга мажбур этиш, ғаразли мақсадлар йўлида одамларни, миллатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, уларни ҳаётдан норози қилиш, турли сохта маълумотларни тарқатиш, ўзгаларни писанд қилмасдан, кучи етадиган давлатларга пўписа ва зўравонлик кўрсатиш, ҳеч ким билан ҳисоблашмай куч ишлатиш ҳолатлари, авваламбор, оммавий ахборот воситаларининг бугунги ўқувчи, тингловчи ва томошабинларидан оқни қорадан, ҳақиқатни уйдирма гаплардан ажратиш учун ўзининг мустақил дунёқараши ва фикрига эга бўлишини тақозо этади.

Ҳозирги вақтда ён-атрофимизда ўзини оқламаган ва умрини ўтаб бўлган эски тизим ва мафкураларни қўмсашга бўлган уринишлар тобора тарқалиб ва кучайиб бораётган бир пайтда бундай кучларнинг қармоғига тушиб қолмаслик учун ахборот соҳасида етти ўлчаб бир кесиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг кўзини кенг очиб бериш, уларни иродаси мустаҳкам, иймони бақувват инсонлар этиб тарбиялашда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти тобора ортиб бормоқда ва бу ўта муҳим вазифани адо этишда биз, аввало, сизларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, профессионал маҳоратингиз, гражданлик позициянгизга таянамиз.

Ёшларимизни айнан ана шу руҳда — миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаб, ҳар томонлама баркамол авлодни камол топтирадиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, эртанги ҳаётимизнинг энг мустаҳкам пойдеворини қурган бўламиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, юксак касб маҳоратига эга бўлган етук журналистлар, таҳлилчи ва шарҳловчиларни, мухтасар айтганда, ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган мутахассисларни тайёрлаш масаласи ҳамон долзарб бўлиб турибди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Барчамиз яхши тушунамиз, бу вазифани амалга ошириш учун мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг халқаро ахборот майдонига кириб бориши, дунёда ном қозонган нуфузли медиакомпаниялар, чет эллардаги ҳамкасблари билан самарали ижодий алоқалар ўрнатиши алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳақиқатан ҳам, биз ўз олдимизга ривожланган демократик давлатлар даражасига кўтарилишдек юксак мақсадни қўйган эканмиз, бошқа соҳалар қатори ахборот оламида ҳам илгарилаб кетган давлатлардан ўрганиш, айни шу асосда оммавий ахборот воситалари ходимларининг билим ва тажрибаси, касб маҳоратини оширишга жиддий эътибор қаратишимиз зарур.

Шу ўринда илгари ҳам айтган бир фикрни такрорлашни жоиз деб биламан.

Бугунги глобаллашув асрида ҳар қайси инсон, ҳар қайси касб эгасининг ўз малакаси ва савиясини ошириши учун қандайдир мафкуравий тўсиқ ва чеклашлар қолмаганини барчамиз яхши биламиз. Гап фақат ўқиб-ўрганишдан, изланишдан тортинмаслик, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, бу йўлдан қатъият билан илгарилаб боришга боғлиқ.

Бундай долзарб вазифалар, авваламбор, олий ўқув юртларида шу соҳа бўйича дарс берадиган, замонавий билим ва технологияларни ёшларга ўргатадиган ўқитувчи ва домлаларга тегишли, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу маънода, кейинги йилларда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларидан 600 нафардан зиёди хорижий давлатларда малака ошириб, тажриба алмашиб қайтгани албатта эътиборга сазовордир. Айни вақтда катта аҳамиятга эга бўлган бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттириш ва янада кучайтиришни бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг жаҳон журналистикасининг илғор иш услублари ва ютуқларини, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаши учун зарур кўмак ва ёрдам бериш, шу билан бирга, сиз, ҳурматли журналистларнинг олдида пайдо бўлаётган турли муаммоларни биргалашиб ечиш учун давлатимиз томонидан барча чора ва тадбирлар албатта кўрилади.

Мана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга ошириш йўлида барчангизга сиҳатсаломатлик, куч-ғайрат, янги омадлар тилайман.

Азиз бошингиз доимо омон бўлишини истайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тўкинлик ва фаровонлик асоси — тинчлик ва осойишталикдир

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 26-27 июн кунлари Фарғона вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига сафарининг иккинчи куни Қува туманидаги «Роҳатой» фермер хўжалиги далаларига ташриф буюрди.

Фарғоналик деҳқонлар бу йил 112 минг 500 гектар майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштирди. Шу кунларда ўримйиғим ишлари қизғин давом этмоқда. Олтиариқ туманидаги «Нурли обод», Бувайда туманидаги «Патилахон», Ёзёвон туманидаги «Тўхтасин — 2000», Учкўприк туманидаги «Марварид гул ифори», Тошлоқ туманидаги «Лукмонов» фермер хўжаликлари бу борада алоҳида фаоллик кўрсатмоқда.

Президентимиз Фарғона шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари халқимиз манфаати йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва унинг самараларига ёрқин мисол эканини, бундай бунёдкорлик одамларимиз кўнглини кўтариб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашини таъкидлади.

Ислом Каримов ташаббуси билан Фарғона шаҳрининг маркази яратилди. Шаҳар атрофида кичик ҳалқа йўли барпо этилди. Йўл бўйларига ҳудуднинг табиий-иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар экилди. Бу шаҳар ҳавоси мусаффолигини ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун янада кенг қулайлик яратмоқда.

Юртбошимиз фермерлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан мулоқотда фермерлик ҳаракатининг самаралари, уни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида тўхталди.

— Бир пайтлар халқимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган ғалланинг асосий қисмини бошқа давлатлардан олиб келар эдик, — деди Президентимиз. — Фермерлик ҳаракатининг йўлга қўйилгани, уларга керакли шароит ва кенг имкониятлар яратиб берилгани туфайли Ўзбекистон қисқа вақтда ғалла мустақиллигига эришди. Дастлабки йилларда фермерларимиз хорижий давлатларга бориб, тажриба ортириб келган бўлса, энди чет элликлар келиб биздан ўрганиб кетмоқда. Тошкентда ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган 200 дан ортиқ хорижлик олимлар, мутахассислар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқларни ўрганиш, хусусан, фермерларимиз билан тажриба алмашиш ниятида эканини билдирди. Булар ҳаммамизни қувонтиради, ғуруримизга ғурур қўшади.

Авазбек Тешабоев раҳбарлик қилаётган «Роҳатой» фермер хўжалиги аъзолари 349 гектардан ортиқ майдонда пахта ва ғалла етиштираётир. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари учун яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, бу ерда балиқчилик ташкил этилган. 200 тонна ҳажмдаги музлатгич омбор барпо этилиб, мева-сабзавотларни сифатли сақлаш йўлга қўйилган.

Бу йил мамлакатимизда ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Бу, авваламбор, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги туфайлидир. Тинчлик бўлган жойда мана шундай мўл-кўлчилик, фаровонлик бўлади, одамлар ўз мақсадларини рўёбга чиқаради. Бу неъматларнинг барқарорлигини таъминлаш учун танлаган йўлимизда собитқадам туриб, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асрашимиз, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз даркор, деди Президентимиз.

Ислом Каримов фермерлик ҳаракатининг истиқболи ҳақида сўз юритар экан, фермерлар қишлоқ хўжалиги соҳасининг ҳал қилувчи кучи бўлиши лозимлигини таъкидлади.

— Фермерлик ҳаракати ҳақида гапирганда, мен илгари айтган бир фикрни яна бир бор такрорлашни ўринли деб ўйлайман. Фермер нафақат деҳқончилик сирларини пухта билиши, айни пайтда у иқтисодчи, ҳисобчи, менежер, селекционер, бизнесмен, керак бўлса, дипломат бўлмоғи зарур. Бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган янги-янги вазифаларни яхши билиши, одамларнинг, айниқса, қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини янада яхшилаш, юртимизни бундан-да обод қилишда фаол иштирок этиши керак, — деди Президентимиз.

«Клаас» комбайни бошқарувчиси Дилшод Ҳотамов германияликлар билан ҳамкорликда юртимизда ишлаб чиқарилаётган ушбу комбайннинг иш унумдорлиги, ҳосилни нобуд қилмаслиги, бошқаришдаги қулайликлари ҳақида гапирди. Ўз ишидан, ҳаётидан мамнунлигини, эртанги кунидан кўнгли тўқлигини таъкидлади.

Ҳар бир инсон ўзига оилам мендан розими, дея савол бериб туриши керак. Чунки бахтнинг асосий омили — бу оила. Оилалар бахтли бўлса, жамият ҳам бахтли бўлади, деди Юртбошимиз.

«Роҳатой» фермер хўжалиги раҳбари Авазбек Тешабоев, Фурқат туманидаги «Шабода-Н» фермер хўжалиги раҳбари Нурали Ғаниев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари Энахон Сиддиқова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ҳар соҳада намоён бўлаётгани, давлатимизнинг халқаро нуфузи, одамларнинг турмуш тарзи тобора юксалиб бораётганини таъкидлади.

Анвар САМАДОВ,
Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Юксак эътибор ва рағбат фидойилик ва фаолликка чорлайди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий оммавий ахборот воситалари равнақи йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик соҳа ходимларининг янада фидойилик билан меҳнат қилишида, улардаги ижтимоий фаоллик, элу юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини тобора кучайтиришда асосий омил бўлмоқда.

Зеро, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашида, жамиятимиздаги ижтимоий барқарорлик муҳитини янада мустаҳкамлашда, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

«Туркистон» саройида 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унга сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрий журналистлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ноширлар, матбаачилар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани А.Нурматов, «Бухоронома» газетаси бош муҳаррири Ж.Исмоилов ва бошқалар миллий медиа соҳани изчил, босқичма-босқич ривожлантириш, унинг сифати ва самарадорлиги, таъсирчанлигини ошириш масаласига давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада).

ЁШ ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

Шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича жаҳон чемпионлари — Исломбек ва Жавоҳир Синдоровларга Президентимиз совғаси топширилди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самарасида мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган баркамол авлод вояга етаётгани таъкидланди.

Бу ёш иқтидорли болаларнинг халқаро майдонларда эришаётган юксак ғалабалари барчамизни қувонтиради. Яқинда Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ёш шахматчиларимиз Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар иккитадан олтин медални қўлга киритгани ҳамюртларимиз қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 28-iyun № 79 (3428)

Юксак эътибор ва рағбат фидойилик ва фаолликка чорлайди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Истиқлол йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг сўз эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини юзага чиқариш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш, соҳа ходимлари манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ахборот ва сўз эркинлигига оид қоидаларнинг мустаҳкамланганги оммавий ахборот воситаларининг чинакам эркин фикр минбарига айланишининг ҳуқуқий кафолатини таъминлайди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир ўнга яқин қонун ҳужжати қабул қилингани оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатишга оид ҳуқуқлари, журналистларнинг профессионал фаолиятини кафолатлаш ҳамда муҳофаза қилиш каби долзарб масалаларда мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ахборот соҳасини янада равнақ топтиришнинг сифат жиҳатдан янги босқичини бошлаб берди. Унга кўра, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш давр талабларига уйғун тарзда такомиллаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатишга оид ҳуқуқлари, журналистларнинг профессионал фаолиятини кафолатлаш ҳамда муҳофаза қилиш каби долзарб масалаларда мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1400 га яқин газета ва журнал, электрон, интернет медиа тузилмалар самарали фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд теле ва радиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг 50 фоиздан ортиғини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этмоқда.

Юртимиз оммавий ахборот воситаларининг жаҳон ахборот маконида ўз ўрнига эга бўлиши, дунёнинг ривожланган мамлакатлари медиа тузилмалари даражасида фаолият олиб бориши учун яратилган шароит ва имкониятлар соҳадаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмларини тобора такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатимиздаги етакчи ахборот агентликлари, телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган материалларнинг реал вақт режимида глобал тармоқ орқали дунё бўйлаб тарқатилаётгани, аксарият босма нашрларнинг ўз веб-сайтига эга экани миллий журналистикамизнинг жаҳон ахборот маконида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётганидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни бу жараёнда фуқароларнинг ахборот соҳасига оид ҳуқуқларини янада кенг таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини тобора кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қонун фуқаролик жамияти институтлари вакилларига давлат органлари фаолиятига оид ахборотларни тўсиқсиз олишнинг ишончли кафолатини яратиш имконини беради.

Мустақил, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган медиа тузилмаларни шакллантириш жараёнини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюшмаси каби ташкилотлар муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ташкилотлар томонидан медиа тузилмаларни қўллаб-қувватлаш, моддий-техник базасини янада яхшилаш, журналистларнинг касб малакаси ва маҳоратини оширишга оид кўплаб лойиҳалар ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» республика кўрик-танловининг ғолиб ва совриндорлари тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан оммавий спорт тарғиботи бўйича фаоллик кўрсатган журналистларга совға ва дипломлар топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан «Ёшлар» телерадиоканали муҳаррири Моҳигул Азимова, «Еркин Қарақалпақстан» газетаси мухбири Адилбай Оразов, «Правда Востока» газетаси мухбири Виктория Абдураҳимова давлатимиз раҳбарига соҳа ривожи йўлида кўрсатаётган эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

***

Шу куни пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун байрам сайли ташкил этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Аъло АБДУЛЛАЕВ
олган суратлар

Матбуот анжумани

Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан Президентимизнинг 2014 йил 19 февралдаги «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудий дастур шакллантирилди. Унга кўра, шаҳардаги тегишли бошқарма, корхона ва ташкилотлар ҳамда туман ҳокимликлари билан биргаликда бир қатор вазифа ва мажбуриятлар асосида 7 та бўлим ва 100 та банддан иборат ҳудудий дастур чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

Жорий йилнинг беш ойи давомида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар, ҳомийлар, банк кредитлари ҳамда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари маблағлари ҳисобидан қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларидан 392 309 нафари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Шаҳардаги 5 та тиббиёт муассасасида реконструкция ва қурилиш ишлари олиб борилаётир. Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидаги 3 та умумтаълим мактабини реконструкция қилиш, 15 тасини капитал таъмирлаш, 5 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 3 та болалар спорти объекти, 2014 йилда фойдаланишга топшириладиган болалар спорти объектларини жиҳозлаш, 3 академик лицей ва 10 та касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш, 2 та касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш учун 25,5 млрд. сўм йўналтирилди. Шаҳар тижорат банклари томонидан аҳолининг узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган маҳаллий уй-рўзғор буюмларини сотиб олишларига 3,8 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга 125,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, ёш оилаларнинг уй-жой сотиб олишлари учун 11,7 млрд. сўмлик ипотека кредитлари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга 5,2 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан ўтказилган матбуот анжуманида пойтахтимизда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган шу каби ишлар ҳақида маълумот берилиб, журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз

Республика Марказий банки томонидан «Иқтисодий ночор корхоналарни тиклашда тижорат банкларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида анжумани бўлиб ўтди.

ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Унда сўз олганлар тижорат банклари томонидан иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва фаолиятини тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, ички ва ташқи бозорларга мўлжалланган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва фаолияти тикланган корхоналарни стратегик инвесторларга сотиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритдилар.

— Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан тижорат банклари хўжалик судлари қарорлари, шунингдек, аукцион ва танлов савдолари натижалари бўйича ўз балансига жами 173 та банкрот ва иқтисодий ночор корхонани қабул қилиб олган эди. Ушбу корхоналарда ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш учун бошқарувчи менежерлар танлаб олинди. Корхоналар экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарадиган замонавий технологиялар билан қайта жиҳозланди. Банклар томонидан ушбу корхоналарда ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйиш учун 569,1 млрд. сўм миқдорида инвестиция йўналтирилди. Натижада қайта тикланган корхоналар томонидан 2 трлн. 781,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 728,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинди, — деди Марказий банк тижорат банклари инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти директори ўринбосари Зафаржон Азимов.

Аҳамиятли жиҳати, иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш механизми янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш баробарида, банкротлик туфайли хизматчиларга ўз вақтида берилмаган ойлик маошларни, таътил пулларини қоплаб беришдек муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифани ҳам бажармоқда.

Бунда иқтисодий ночор корхоналар негизида ташкил этилган янги корхоналарнинг активларини самарали бошқариш учун етакчи тижорат банклари базасида ташкил этилган «NBU Invest Group», «Asaka Investments», «Agroinvest Recovery» ва «PSB Industrial Investments» бошқарувчи компаниялари ва алоҳида таркибий бўлинмаларининг хизмати катта бўлди. Улар ушбу жараёнда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бевосита бошқариш, маркетинг тадқиқотлари олиб бориш, гаров мулкидан самарали фойдаланиш, бизнес-режалар тузиш, лойиҳавий молиялаштириш ва инвестицион кредитлар ажратиш ва хизматлар кўрсатиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш каби йўналишлар бўйича муҳим тажриба орттирдилар.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тизимда ўқувчи-ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда Наманган шаҳрида бўлиб ўтган «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақалари якунига оид анжуман ташкил этилди. Унда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази масъул ходимлари, устоз-мураббийлар, спорт соҳасида ютуқларга эришган ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

КАМОЛ ТОПАР БАРКАМОЛ АВЛОД

Тадбирда давлатимиз томонидан қаратилаётган юксак эътибор натижасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчи-ёшлари ўртасида жисмоний тарбия ҳамда спортни ривожлантириш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Ўтган йили таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилардан 113 нафари жаҳон, 164 нафари Осиё ва 520 нафари халқаро турнирларда иштирок этиб, улардан 53 нафари жаҳон, 98 нафари Осиё ва 124 нафари халқаро турнирлар совриндорлари бўлишган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини бажариш мақсадида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги таълим муассасалари ўқувчи-ёшлари ўртасида 2001 йилдан бошлаб «Баркамол авлод» спорт мусобақалари ташкил этилаётир.

Мусобақалар жорий йилда Наманган вилоятида зўр кўтаринкилик билан ташкил этилди. Спортнинг 16 тури (футбол, волейбол, баскетбол, гандбол, бокс, эркин ва юнон-рум кураши, дзю-до, оғир атлетика, таэквон-до, теннис, стол тенниси, шахмат, сузиш, енгил атлетика, бадиий гимнастика) бўйича кураш қизғин кечди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Тошкент шаҳри, иккинчи ва учинчи ўринлар Наманган ва Самарқанд вилоятлари жамоаларига насиб этди.

Тадбирда мавзуга оид шу ва бошқа маълумотлар айтиб ўтилди.

Аширбек СУЯРОВ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жавоҳир тўрт ярим ёшидан шахмат билан мунтазам шуғулланади. У шахматчи сифатида халқаро майдондаги дастлабки ғалабасига 2012 йили Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида эришди. 7 ёшгача бўлган ўғил болалар мусобақасида блиц турнирда олтин, классик шахмат бўйича кумуш медалга сазовор бўлди. 2013 йили Эронда шахмат бўйича 18 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. Унинг укаси Исломбек эса болалигидан ўзининг алоҳида салоҳиятини кўрсата олди. У 2012

ЁШ ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

йили Ҳиндистонда бўлиб ўтган қитъа биринчилигида 5 ёшгача шахматчилар ўртасида кумуш медални қўлга киритди. «Ақл гимнастикаси» сир-асрорини тобора пухта ва жуда тез ўзлаштираётган И.Синдоровнинг ўйин услуби бугун кўплаб мухлису мутахассислар эътиборида. Чунки у тез ва тўғри қарор қабул қилади, партияда ҳар қандай мураккаб вазият юзага келса ҳам фақат ҳужумга зўр беради. Исломбекнинг ҳужумкор ўйин тактикаси 2013 йили Эрондаги Осиё чемпионатида бирйўла учта олтин медални қўлга киритишида муҳим аҳамият касб этди.

Жавоҳир ва Исломбек яқинда Грецияда ўтган жаҳон чемпионатида ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, халқаро миқёсдаги ғалабалари тасодиф эмаслигини яна бир карра исботлади. Нуфузли мусобақанинг етти ёшгача бўлган шахматчилар бахсида иштирок этган Исломбек Синдоров рапид бўйича тўққиз турнинг барчасида ғалаба қозонди, блиц турнирда саккиз очко билан биринчи ўринни эгаллади ва жаҳон чемпионатининг иккита олтин медалига сазовор бўлди. Жавоҳир Синдоров тўққиз ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ҳар икки йўналишда ҳам мағлубиятсиз дона суриб, тўққиз имкониятдан саккиз очкодан жамғарди ва у ҳам иккита олтин медални қўлга киритди.

Жаҳон чемпионати ғолиблари Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар Президентимиз Ислом Каримов томонидан энг сўнгги русумдаги замонавий компютерлар билан тақдирланди. Уларнинг ота-онасига замонавий LCD телевизори берилди. Президентимиз совғаларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

— Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновга ҳавас қиламиз, — дейди Жавоҳир Синдоров. — Президентимизнинг совғаси бизни янада юксак марралар сари руҳлантиради, катта куч бағишлайди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Отабек МИРСОАТОВ олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2013» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Виктория Абдураҳимова — «Правда Востока» газетаси мухбири — Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг оддий инсонлар тақдирига таъсири, уларнинг ҳаёти, орзу-интилишлари ҳақидаги «Одамлар орасида» туркумидаги мақолалари учун

Моҳигул Азимова — «Ёшлар» телерадиоканали муҳаррири — Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати ижроси доирасида ҳар томонлама бар-камол, мустақил фикрли ёшларни тарбиялаш йўлида олиб борилаётган ишлар, уларнинг тафаккури ва турмуш тарзидаги ўзгаришларга бағишланган туркум эшиттиришлари учун

Зебо Бобоева — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА Таржима таҳририяти бош муҳаррири — Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари ёритилган долзарб мавзулардаги ижтимоий-сиёсий материалларнинг таржимаси учун

Хадича Каримова — Фарғона вилояти Қўштепа тумани «Истиқбол йўли» газетаси муҳаррири — «Саодатим, ҳаловатим, муҳаббатим — Ватан!» туркумидаги публицистик мақолалари учун.

Назира Мамбетшерипова — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион дастурлар бош муҳарририяти мухбир-репортёри — Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти тезкор ва таҳлилий ёритилган материаллари учун

Нодира Мақсудова — «Гранд» радиоси шеф-редактори — Ўзбекистонда миллий қонунчилик тизими-мини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва уларнинг тарғиботига бағишланган ахборот-таҳлилий радиоэшиттиришлари учун

Адилбай Оразов — «Еркин Қарақалпақстан» газетаси мухбири — Қорақалпоғистон Республикасида «Обод турмуш йили» ва «Соғлом бола йили» Давлат дастурлари ижроси доирасида амалга оширилаётган янгиланишлар ҳақидаги таҳлилий материаллари учун

Бекзод Сайфиев — «Қашқадарё» газетаси бўлим муҳаррири — Вилоят ҳаётининг турли жабҳаларидан тайёрланган долзарб мавзудаги танқидий-таҳлилий мақолалари учун

Қувондиқ Халилов — «Самарқанд» газетаси мухбири — Одам савдосига қарши курашиш мавзусидаги материаллари учун.

Умрзоқ Ҳамдамов — Жиззах вилояти телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи бўлим мудири — Вилоят қишлоқларининг бугунги қиёфаси, намунали уй-жойлар қурилишлари, қишлоқ аҳли турмуш тарзидаги ўзгаришлар тўғрисидаги туркум кўрсатувлари учун

ҚУЙИДАГИ ЖУРНАЛИСТЛАР ИЖОДИЙ ТАНЛОВНИНГ РАЁБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИ:

Матлубахон Абдураҳмонова — «Марғилон ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири

Сафар Омонқулов (Сурхондарё вилояти) — «Сурхон тонги» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Маъмуржон Бозоралиев (Тошкент вилояти) — Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги нашри — «Машъал» газетаси бўлим бошлиғи

Акмал Жумамуратов (интернет-журналистика) — Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети магистранти

Дилдора Каттаева (Навоий вилояти) — «Навоий ёшлари» газетаси масъул котиби

Жаннат Молдашева — «Нурлы жол» газетаси бўлим мудири

Баҳодир Мўминов (Наманган вилояти) — «Диёнат» газетаси мухбири

Инобат Очилова (Бухоро вилояти) — Вилоят телерадиокомпанияси радио гуруҳи катта муҳаррири

Холида Пардабоева (Сирдарё вилояти) — «Сирдарё ҳақиқати» газетаси бўлим мудири

Георгий Петросян — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган таҳририяти бўлим мудири

Тўлқин Пўлатов — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Дунё бўйлаб» телеканали Маърифий ўлкашунослик дастурлари муҳарририяти бош муҳаррири

Гулюз Сиддиқова — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканали муҳаррири

Хусрав Ҳамидов — «Овози тожик» газетаси бўлим муҳаррири

Умрбой Шомуротов (Хоразм вилояти) — Вилоят телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи катта муҳаррири

Матлуба Юсупова (Андижон вилояти) — Вилоят телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи катта муҳаррири

Ёз —2014

Баланд тоғлар қўйнида

«Золотинка» оромгоҳи Ургутнинг сервиқор тоғлари қўйнида жойлашган. Сўлим табиат, зилол сув, мусаффо ҳаводан болажонларнинг кўнги ёришмоқда. Қорақалпоғистонлик ўғил-қизлар бир неча йилдирки ушбу гўшада дам олишаётир. Бу йил ҳам Оролбўйи минтақасида истиқомат қилувчи 1020 нафар ўқувчи ёзги таътил кунларини ушбу масканда ўтказади.

Эрта тонгдан Самарқанд вокзалида биз, тарбиячилар ва 350 нафарга яқин ўғил-қизни катта тантаналар билан кутиб олишди. Аввалдан тайёрлаб қўйилган автобусларда кўҳна кентнинг обод ва бетакрор кўчаларига назар ташлаб, бунёдкорлик кўламини хис қилдик. Муҳташам бинолар, майдон ва боғларда ўзгача жозиба, гўзаллик бор. Гапнинг очиғи, бу улуғвор шаҳар болажонларимизда катта таассурот қолдирди.

Қорақалпоғистонлик болажонлар ташрифига оромгоҳ жамоаси ҳам катта тайёгарлик кўрган экан. Ораста, шинам ётоқхона, спорт майдони, чўмилиш ҳавзаси улар хизматига шай қилиб қўйилган. Дам олиш масканидаги биринчи кун «Қорақалпоқ куни» дея эълон қилиниб, тантанали танишув маданий-маърифий тадбирга уланиб кетди. Режа асосида ҳар куни биттадан тадбир ташкил этилмоқда. Концерт томошалари эса дам олувчиларга завқ бағишлаяпти. Улар ўртасидаги турли танловлар, мушоиралар, спорт мусобақалари кундалик тартибдан жой олган. Дам олувчиларнинг табиат қўйнига саёҳати уюштирилмоқда. Дам олишнинг сўнгги кунларида уларни яна бир мароқли саёҳат — қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд билан танишиш кутмоқда. Олам-олам завқ берувчи, уларнинг маънавий юксалишига хизмат қилувчи бундай дам олиш болажонларга руҳий тетиклик бағишлаши шубҳасиз.

Дилдора ЎРОЗБОЕВА,
«Золотинка» оромгоҳи тарбиячиси,
Амударё туманидаги 40-ўрта мактаб ўқитувчиси

Ishonch
2014-yil 28-iyun № 79 (3428)

Реклама ўрнида

ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ:
Кафолатли ва ишончли ҳамкор

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган янгиланишлар, унинг реал сектори ва барча тармоқларида қўлга киритилаётган ютуқларда молия муассасаларининг салмоқли ҳиссаси бор. Банклар томонидан кўрсатилаётган замонавий ва сифатли хизматлар, мижозлар учун имтиёзли шартларда ажратилаётган маблағлар жойларда истиқболли лойиҳаларни тезкорлик билан амалга ошириш, пировардида мингминглаб янги иш ўринлари яратиш имконини бераётир. Бошқача айтганда, юртимиз банк тизимида истиқлолнинг дастлабки йилларида белгилаб олинган «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойили амалда ўз ифодасини топмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг «Ўзбек модели» юксак натижалари эса банкларнинг капиталлашув даражаси изчил ортаётганида, тизимнинг ликвидлилик даражаси мустаҳкамланиб, кредит портфелининг асосий қисми ички манбалар ҳиссасига тўғри келаётганида, банк хизматларидан фойдаланаётганлар сони йил сайин кўпаяётганида яққол акс этаяпти. Айни пайтда республикамиздаги деярли барча тижорат банклари «Fitch ratings», «Moodys» ва «Standart & Poors» сингари етакчи халқаро рейтинг компанияларининг «Барқарор» рейтинг баҳосини олишга муваффақ бўлгани барчада ҳавас уйғотмоқда.

Айниқса, банкларнинг молиявий кўмагида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз тараққиётини белгиловчи етакчи куч сифатида намоён бўлаётгани қувонарлидир. Шу боис мазкур соҳа вакиллари молия муассасаларини ўзларининг яқин ҳамкори, кўмакдоши ва мададкори деб эътироф этмоқдалар. Буни юртимизда фаолият юритаётган тадбиркорлар, хорижий компаниялар вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳам яққол исботлаб турибди.

Александр ДАНИЛОВ,
«Fitch Ratings» рейтинг агентлиги
Бош директори,
Роман КОРНЕВ,
шу агентликнинг Биринчи таҳлилчиси:

— Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришиб, модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳисобидан юқори суръатларда ривожланиб бораётгани эътиборга лойиқ.

Жаҳонда рўй берган глобал иқтисодий инқирознинг айрим давлатлар банклари молиявий аҳволига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши уларнинг ликвидлиги пасайиб кетишига олиб келди. Табиийки, бу жараёнда халқаро рейтинг компаниялари кўпгина йирик молия муассасаларига берилган юқори рейтинг баҳоларини қайтадан кўриб чиқиб, амалдаги кўрсаткичларини бир неча поғона туширишга мажбур бўлди.

Шу сабабли, кўплаб ривожланган давлатлар ҳукуматлари мамлакат иқтисодиётини соғломлаштириш учун бир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, кредитлар бўйича фоиз ставкаларини туширишда, банк тизими ликвидлигини таъминлаш мақсадида катта миқдорда маблағлар ажратиб, облигациялар шаклидаги давлат қарз мажбуриятларини чиқаришга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон банк тизимига эса, мана, бир неча йилдирки, бизнинг компаниямиз томонидан «Барқарор» юқори рейтинг баҳоси бериб келинмоқда. Албатта, бунга эришишнинг ўзи бўлмайди. Чунки компаниямиз банклар олдига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, ҳар бир мезонга таянган ҳолда, унинг фаолиятини обдон ўрганади. Шунга кўра, компаниямизнинг рейтинг баҳоси хорижий инвесторлар, йирик банклар томонидан иқтисодий ҳамкорлик ўрнатишнинг асосий бўғини ҳисобланади. Негаки, ҳар бир инвестор учун молиявий жиҳатдан мустаҳкам бўлган банк тизими билан шундай ҳамкорлик қилиш муваффақиятга эришишнинг асосий негизидир. Шунинг учун, энг аввало, банк тизимининг кўрсаткичи иқтисодиёт ривожида муҳим ўрин тутади.

Бугун Ўзбекистон банк тизими билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйган молия институтлари сони тобора ошиб бораётгани унинг нуфузи жаҳон миқёсида ортаётганидан далолатдир. Мисол учун, Хитой тараққиёт банки, Корея экспорт-импорт банки, Хусусий секторни ривожлантириш Ислом банки, Германиянинг «Коммерцбанк»и ва «Ландесбанк»и, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, ФМО Голландия фонди, Халқаро молия корпорацияси ва бошқа молия институтлари билан яқин ҳамкорликда самарали фаолият юритилмоқда.

Банк тизимининг бир маромда ишлаши, аввалгамбор, уни оқилона бошқаришга боғлиқ. Бу борада Марказий банк томонидан ҳар бир банк истиқболи пухта ўйланган ҳолда, уни бошқариш концепцияси мустаҳкам ишлаб чиқилганлиги банкмолия тизими барқарорлиги сақлаб турилишига, банк тизимининг ресурс базаси кенгайишига, активларнинг сифат жиҳатдан яхшиланиб боришига, аҳолининг банклардаги депозитлари бут сақланишига имкон бермоқда. Банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан ошиб, белгиланган талабдан 2,2 баробар ортиқ бўлгани, кредит портфели жами маблағларининг 80 фоизга яқини ички манбалар улушига тўғри келаётгани, банкларнинг депозитлар ҳажми 2000 йилдагига нисбатан 112 баробар, охирги 6 йилда 6,7 марта кўпайганлиги, банкларнинг жами активлари миқдори эса 2013 йилда 30 фоизга ошган бўлса, сўнгги 13 йилда ушбу кўрсаткич 46 баробардан зиёдга, 6 йилда 4,7 баробар ортганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Юртингиз банк тизими фаолиятини ўрганиш ва бошқа давлатлар банк тизими кўрсаткичлари билан солиштириш асосида шунга амин бўлдимки, масалан, Ўзбекистонда ўрта синф вакилларини молиявий қўллаб- қувватлаш даражаси анча юқоридир.

Айтайлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратилаётган кредитлар салмоғи йилдан-йилга кўпаяётгани ёки ўтган 10 йил мобайнида 22 баробарга ўсганлигининг ўзи катта кўрсаткичдир. Бу эса банкларнинг ресурс манбаи йил сайин мустаҳкамланиб, ишбилармон тадбиркорларга катта йўл очилаётганини кўрсатади.

Мамлакатингиз банк тизимининг 2013 йилдаги фаолияти таҳлилидан яна шу нарса аён бўлдики, банк кредит портфелини соғломлаштириш юзасидан барча зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ресурс базаларининг йилдан-йилга мустаҳкамланиб боришига таг-заминли асос яратилган. Банкларда ресурс тақчиллигига йўл қўйилмаган. Бу, албатта, давлатингиз раҳбари томонидан соҳани ривожлантириш бўйича қабул қилинган Фармон ва қарорлар ижроси ўз вақтида банк тизими томонидан изчиллик билан, сифатли ва тўлиқ бажариб келинаётгани натижасидир.

Таҳлилчиларимиз томонидан банкларингиз фаолиятини ўрганиш, шунингдек, ҳар томонлама баҳо бериш асосида асосий эътибор барча йўналишларга қаратилди. Чунончи, юртингизда самарали фаолият кўрсатаётган хорижий инвесторлар билан суҳбат ўтказилганда, банкларингиз кўрсатаётган хизмат турларидан мамнунлиги, энг муҳими, ўзлари учун қулай инвестицион муҳит яратилганлигидан банкларингизга бўлган ишончи юқорилиги намоён бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, банкларингизда ишбилармон тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитлар эътиборга молик. Йил сайин кредит олиш механизмлари соддалаштириб борилаётгани эса, ўз навбатида, уларнинг фаолияти янада равнақ топишида қўл келмоқда.

Шу ўринда, албатта, кредит олишнинг тартиб-қоидаси борлигини эсдан чиқармаслик талаб этилади. Сабаби, тижорат банки ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотдир. У даромад олиши, ходимларига ойлик маош бериши, тегишли солиқ тўловларини тўлаши ва ниҳоят, мижозларнинг банкка ишониб топширган пул маблағларини бекаму кўст қайтариши лозим. Бунинг учун кредитлар қонунчиликда белгиланган тартибда таъминотсиз берилмаслиги, ажратилган кредитдан самарали фойдаланиб, ўз вақтида банкка қайтарилиши, ундан бошқа бир тадбиркор ҳам фойдаланишини ҳар бир кредит олувчи унутмаслиги мақсадга мувофиқ. Аксарият давлатларнинг банк тизимларига назар солсангиз, ушбу қоидалар унутилгани, натижада кредит портфелининг эллик фоиздан кўпроғи муаммоли кредитлар улушига тўғри келаётганлиги ачинарли ҳолдир. Банкдан кредитлар олишда сифатсиз таъминотнинг йўлга қўйилиши ёки зарар билан ишлаётган корхоналарнинг кафиллиги асосида кредитлар ажратилганлиги катта йўқотишларга олиб келмоқда. Бинобарин, бундай ёндашув банкнинг банкрот бўлиши билан бирга, мамлакатнинг тўлов қобилияти пасайишига ҳам сабаб бўлади. Шу боис айрим рейтинг компаниялари томонидан аксарият мамлакатларнинг банк тизимларига қониқарсиз рейтинг баҳоси бериб келинаётганлиги ўша давлатларнинг иқтисодиёти ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кези келганда, яна шуни айтиш жоизки, юртингиз банк тизими раҳбарияти томонидан банклар фаолиятини бошқаришда қатъий бир тизим ўрнатилганлиги барча молия муассасалари муваффақиятли ишлаб, давлатингиз ривожида асосий ўринни эгаллашига туртки бўлмоқда.

Ишончимиз комилки, бугун мамлакатингизда ресурс базаси мустаҳкам бўлган, ишончли ва кафолатланган банк тизимининг самарали ишлаётгани Ўзбекистоннинг энг катта ютуғидир. Компаниямиз томонидан Ўзбекистон банк тизимига берилган юқори рейтинг баҳо эса барча йўналишлар пухта ўрганилган ҳолда, ҳар томонлама муносиб берилган баҳо, деб тасдиқлаймиз.

Жин ЧЖОУ,
«Янгизхоу Санхин Еквипментс» компанияси Бош директори
(Хитой Халқ Республикаси):

— Ўзбекистонда хорижий тадбиркорларнинг бизнес юритиши учун қулай ва истиқболли сармоявий муҳит яратилган. Бу, шубҳасиз, мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий алоқалар кўламини кенгайтириб, тобора мустаҳкамланишида муҳим омил бўлмоқда.

Юртингизда кўп маротаба бўлганман. Шу сабаб давлатингиз раҳбари Ислом Каримовнинг адолатли ва оқилона юритаётган сиёсати улуғ ўзбек халқининг бахтли ҳаёт кечириши, юрт тинчлигини сақлаши ва албатта, Ўзбекистон қисқа давр ичида халқаро ҳамжамиятда ғоят катта обрў-эътибор қозониб, жаҳондаги энг нуфузли ва истиқболли мамлакатлар қаторидан жой олишига имкон берганига тўлиқ ишонч ҳосил қилганман.

Мамлакатингиз банк тизимининг кўп қиррали фаолияти менда катта таассурот қолдирганини қайд этишни истардим. Хусусан, ёш йигит-қизларнинг тадбиркорлиги учун кредитлар ажратилиши уларнинг хусусий корхона раҳбари сифатида шаклланишида катта аҳамият касб этади. Шу тариқа бу корхонада янги иш ўринлари ташкил этилади, иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшилади.

Банк тизимининг ёшлар келажагини ўйлаб амалга ошираётган кучли стратегияси менинг унга бўлган ишончимни янада оширди, десам, муболаға бўлмайди. Истагим шуки, Ўзбекистон банк тизимининг обрў-эътибори дунё банклари ичида ошиб бораверсин!

Абдулҳамид АҲМАДЖОНОВ,
«Model poyabzal» МЧЖ раҳбари
(Наманган вилояти):

— Коллежда ўқиб юрган кезларимда, республика Марказий банки томонидан мамлакатимиз ҳудудларида ўтказилаётган учрашувларда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар олиб, ўз бизнесларини ташкил этган ҳолда, катта муваффақиятларга эришаётган ёшларни «ойнаи жаҳон»да кўриб, уларга чин дилдан ҳавас қилардим.

Ана шу ҳавас коллежни битирганимдан сўнг эзгу мақсадга айланди: пойабзал ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этишга қарор қилдим. «Интилганга толе ёр» деганлари рост экан. «Микрокредитбанк» ходимлари бизнес-лойиҳамни қўллаб-қувватлаб, менга 25 млн. сўм миқдорида кредит ажратгач, замонавий технология ва хом ашё харид қилдим. Уйчи тумани ва Наманган шаҳрида 4 та пойабзал сотиш дўконини ишга туширдим. Ўтган 8 ой давомида эса банк кредитини қайтариб, яна 250 млн. сўмлик сармоя олиб, фаолиятимни бундан-да кенгайтирдим. Бу ойлик айланма маблағимни 50 млн. сўмга етказиш имконини берди. Севинмайми, кечаги коллеж битирувчиси бугун — корхона раҳбари, яна 25 нафар ўртоғим ҳам мен билан бирга қўлни қўлга бериб ишламоқда. Яқинда вилоятимизга ташриф буюрган хорижлик ишбиланмонлар дўконимизга келиб, биз ишлаб чиқарган пойабзалларни кўргач, «Бу қайси давлатнинг маҳсулоти?» деб сўрашди. Қаранг, «ўзим ишлаб чиқаряпман», десам, ишонишмайди денг. Шундан сўнг меҳмонларни цехимиз билан таништирдим. Мақтанишга йўйманг-у, улар ҳайрон бўлиб, юртимизда биз, ёшларга яратилган ана шундай имкониятларга тасаннолар айтишди. Бу эътирофдан, тўғриси, ғайрат-шижоатим жўш уриб, фаолиятимни янада кенгайтиришга аҳд қилдим.

Бугун банкларимизда иш тўғри йўлга қўйилганидан вилоятимиздаги бошқа тадбиркорлар ўз мақсадларига етиб, иқтисодиётимизни мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Шунинг учун банкларга бўлган ишончимиз кучли. Бу эса мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида бор кучимизни аямаслигимизга даъват этади.

Воҳиджон ЁҚУБЖОНОВ,
«Чақмоқ плюс» фермер хўжалиги раҳбари
(Жиззах вилояти):

— Халқимизни сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга астойдил бел боғлаб, «Агробанк»нинг Жиззах ҳудудий филиалига мурожаат этган эдик. Филиал ходимлари бизнес-лойиҳамизни кўриб чиққач, бизга зарур бўлган 75 млн. сўмлик кредит ажратиб берилди. Натижада шу маблағ эвазига қорамоллар наслини яхшилаш, кўпайтириш ва қўшимча 10 та иш ўрни барпо этишга эришдик.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ аҳолиси банкларнинг амалий ёрдамлари билан оилавий корхоналар очиб, ҳам рўзғорини тебратмоқда, ҳам элга наф келтирмоқда. Айниқса, коллежларни кечагина битирган ёшлар бугун банкларнинг имтиёзли кредитлари шарофати туфайли хусусий корхона раҳбари бўлиб, тенгдошларини ҳам иш билан таъминлаш имкониятига эга бўлаётганлари кимни қувонтирмайди дейсиз? Илгари хориждан келтирилган кўпгина маҳсулотлар банкларнинг молиявий кўмаги билан ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани-чи?..

Очиғини айтиш керак, оммавий ахборот воситалари орқали кўриб-билиб турибмиз: ҳали-ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида банкларнинг барқарор ва ишончли фаолият кўрсатиши осон иш эмас. Шунга қарамасдан, бугун қайси бир банкка борсангиз, унинг биноси мижозлар билан гавжум эканлигига гувоҳ бўласиз. Муҳими, банкларимизда ресурс базаси етарли бўлгани учун, тадбиркор ва фермерлар ҳеч бир муаммосиз кредитлар олишмоқда. Пировардида омилкорлик билан иш кўраётган одам борки, катта даромад соҳибига айланаётир.

Буларнинг барчаси Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг самарасидир, албатта. Зеро, юртимизни тараққий этган мамлакатлар сафида кўриш биз учун шараф.

Лола АЛИЕВА,
«Lola darmon shifo» хусусий корхонаси раҳбари
(Навоий вилояти):

— Корхонамиз уч йил муқаддам Зарафшон шаҳри ҳокимлиги томонидан тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатга олинган. Йўналишимиз — аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш. Ходимларимиз ултратовуш ускуналари ёрдамида мижозларга ташхис қўяди. Бундан ташқари, дори-дармонлар ҳамда бошқа тиббий маҳсулотларни сотиш билан ҳам шуғулланамиз.

Акциядорлик тижорат «Ипотека-банк»нинг Зарафшон филиалига қарашли Зарафшон минибанкида ҳисоб-рақамимиз очилган. У ишхонамиз яқинида жойлашгани биз учун ҳар томонлама қулай. Кўрсатилаётган хизматлар эса бугунги кун талабларига мос. Айниқса, мини-банкда кредит беришга алоҳида эътибор берилади. Мисол учун, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида янги ускуналар сотиб олиш учун бизнес-режа тайёрлаб, банк ходимларига тақдим этган эдик. Лойиҳамиз маъқулланиб, уч йил муддатга 60 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобидан «Shison ivis» русумли замонавий ЗД-ултратовуш ускунасини харид қилдик. Қўшимча икки нафар мутахассисни ишга олдик. Натижада, УЗИ ва ЭКГ ускуналари ёрдамида сифатли тиббий ташхис қўйиш имкониятига эга бўлдик.

Бу йил ҳам мазкур банк билан самарали ҳамкорликни давом эттирмоқчимиз. Чунки Томди туманининг Даугизтоғ ва Мурунтоғ қишлоқлари аҳолиси ҳам хизматимиздан фойдалансин, деган ниятимиз бор. Шу билан бирга, «Ипотекабанк»нинг Зарафшон филиали раҳбарлари билан келишган ҳолда, «Соғлом бола йили» Давлат дастурини бажариш учун тиббиёт ускунаси ўрнатилган «Дамас» машинасини сотиб олиш бўйича бизнес-режа тайёрлаяпмиз. Бу лойиҳамиз тезда рўёбга чиқишидан умидвормиз.

Фурқат ҲАСАНОВ,
«Мир-Улуғбек-МХ» МЧЖ раҳбари
(Жиззах вилояти):

— 2005 йили корхонамизда калиш ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Аммо хом ашёнинг хорижий мамлакатлардан келтирилиши, уларни етказиб беришда узилишлар юз бериши туфайли фаолиятимиз тўхтаб қолди. Биномизни ижарага беришга мажбур бўлдик. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўша пайтда бу боши берк кўчадан чиқишнинг иложи йўқдек туюлган эди.

Ҳукуматимизга раҳмат, Жиззах вилоятининг хизмат кўрсатиш ва саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурига жамоамиз ҳам киритилганлиги бизга руҳ бағишлади. 2012 йили «Ипотека-банк»нинг Жиззах вилояти филиалидан 60 ой муддатга 741,2 миллион сўм миқдорида кредит олдиб, ушбу маблағ эвазига Хитойнинг «Huoeruos Import and Export Trade CO. LTD» компаниясидан пайпоқ ишлаб чиқарадиган технологик линия харид қилдик. Ўшандан буён ўз маҳсулотимиз билан ички бозорни тўлдириб келаяпмиз.

Бундан ташқари, банкнинг молиявий кўмаги туфайли корхонамизда қурилиш материаллари ва болалар кийими ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирдик. Мазкур лойиҳалар шарофати билан 50 та янги иш ўрни яратилди. Юқори технологик ускуналарни бошқараётган аёллар сони 37 тага етиб, касб-ҳунар коллежининг 20 нафар битирувчиси иш билан таъминланди.

«Ипотека-банк»нинг Жиззах вилояти филиали билан ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам изчил давом этаверади.

Сарвархон РЎЗИМАТОВА,
Қўрғонтепа тумани «Ягона ҳамкор нури» МЧЖ раҳбари
(Андижон вилояти):

— Аёл зоти эътибор ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлса, бор имкониятини ишга солади. Севимли соҳасида тадбиркорликни йўлга қўйса борми, кўзлаган натижасига эришмагунча тиниб-тинчимайди.

Мен, масалан, чевар бўлганим учун илгари маҳалламиз аёлларининг буюртмаларини бажариб юрардим. Юртимизда тадбиркорларга кенг имкониятлар эшиги очилгач, Қўрғонтепа туманида масъулияти чекланган жамиятни ташкил этдим. Ҳозирги кунда корхонамизда асосан эркаклар ва аёллар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилмоқда. Уларга аҳоли орасида талаб юқори. Албатта, бунда доимий ҳамкоримиз — ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг ҳиссаси катта.

Гап шундаки, 2012 йили трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришимиз учун банк томонидан 250 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Ушбу молиявий мадад бизга нафақат моддий таянч, балки руҳий далда ҳам бўлди. Бунинг учун ҳамкоримиз — ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»дан миннатдормиз. Айниқса, иш билан таъминланган 40 нафар хотин-қиз, жумладан, коллежнинг 10 нафар битирувчисининг қувончи чексиз.

Келгусида болалар кийимлари ҳамда аёллар ва эркаклар учун турли хил пайпоқлар ишлаб чиқариш ва уларни хорижга экспорт қилишни режалаштираяпмиз. Бу борада ҳам, табиийки, банк кўмагига таянамиз.

Раҳматилла ЮЛДАШЕВ,
«Озодбек Сардорбек боғи» фермер хўжалиги раҳбари
(Уйчи тумани):

— Анча йиллардан бери боғ яратиб, юртимиз ободлиги ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга баҳоли қудрат ҳиссамни қўшишни ният қилиб келардим. Шу мақсадда боғбонлар тажрибасини ўргандим, мевали дарахтларни томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилдим. Бу технологиянинг тежамкорлиги шундаки, 10 гектарлик боғни бир-икки киши бемалол эплайди. Компютер ўсимлик учун керакли миқдорда сувни, у билан бирга озуқа ҳамда зараркунанда ва касалликларга қарши препаратларни бараварига юборади.

Мана шу лойиҳамни «Агробанк»нинг Уйчи филиали жамоаси кўриб чиқиб, маъқуллади ва 50 миллион сўмлик кредит ажратди. Шунинг ҳисобидан 10 минг туп олма ва олхўри кўчатларини келтирдик. 3 кишини ишга жалб қилдик.

Қарангки, дилдаги орзу ушалса, инсоннинг шижоати ҳам ошар экан. Бу бизни янги лойиҳалар устида ишлашга чорлаяпти.

Боймурод ТЎХЛИЕВ,
«Surxandaryo Savdo Impeks» ОАЖ директори
(Сурхондарё вилояти):

— Дастлаб мен оилавий тадбиркор сифатида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулландим. Ўтган йил бошида эса вафли ишлаб чиқариш мақсадида бизнес-режамни тузиб, «Трастбанк»нинг Термиз филиалига мурожаат этдим. Қисқа муддат ичида ҳеч бир муаммосиз 350 млн. сўм миқдорида кредит олдим. Бу маблағга Хитойдан замонавий асбоб-ускуналарни келтириб ўрнатдик. Айни пайтда кунига ўн хил, жами икки тонна маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз. Бу юмушни 20 нафар ишчи уддаламоқда.

Мен ўз вақтида «Трастбанк»ка мурожаат қилганимдан жуда хурсандман. Чунки ишлаб чиқаришни йўлга қўйганимиздан сўнг оиламиз даромади ошди, ҳатто хайрия тадбирларида иштирок этиш имконига ҳам эга бўлдик.

Фарҳод РАҲМАТОВ,
«Гулобод мебел» МЧЖ раҳбари
(Самарқанд тумани, Кулба қишлоғи):

— Корхонамиз маҳаллий хома ашёдан турли хил мебел маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Фаолиятимизни кенгайтириш, ички ва ташқи бозорни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, аҳоли, хусусан, коллеж битирувчиларини янги иш ўринлари билан банд қилиш мақсадида кредит сўраб «Асака» банкининг «Афросиёб» филиалига мурожаат этганимиздан сўнг имтиёзли шартларда етарли миқдорда маблағ ажратилди. Шунинг эвазига замонавий комплекс бунёд этилди. 2013 йил давомида эса 4,0 млрд. сўмликдан ортиқ миқдорда уй ва офислар учун юқори сифатли мебел маҳсулотлари ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказиб бердик.

Қувонарлиси, аввал жамоамизда 51 нафар ишчи меҳнат қилган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 85 нафарга етди. Келгусида ҳам «Асака» банки билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, унинг молиявий кўмагида хайрли ва эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиш ниятидамиз.

Утемурат ЖАМИЛОВ,
«Аббозбек-Ширинтой» хусусий корхонаси раҳбари
(Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани):

— 2009 йили ташкил этилган корхонамизда макарон ва қандолат маҳсулотлари тайёрланади. Бунда, албатта, 2011 йилда «Ипотека-банк» томонидан ажратилган 40 млн. сўм, 2013 йилда берилган 200 млн. сўм миқдоридаги кредит қўл келди. Чунки ана шу сармоя туфайли харидорлар талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, цехларимизни замонавий ускуналар билан қайта жиҳозладик. Пировардида маҳаллий аҳоли ўзига яқин бўлган ҳудудда ишлаб чиқарилган сифатли кондитер маҳсулотларини арзон нархларда сотиб олиш имконига эга бўлди. 5 киши эса иш билан таъминланди.

Жоникул КОБИЛОВ,
«Севинч Кўҳинур файз» МЧЖ раҳбари
(Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани):

— Йўловчиларнинг узоғини яқин қилиш азал-азалдан халқимизда савоб саналган. Шу сабабли, мен ҳам шу ишга қўл урдим. Мақсадимни рўёбга чиқариш учун Халқ банки ходимлари томонидан 242 миллион сўм миқдорида кредит ажратилганидан хурсандман. Боиси, ушбу маблағга 10 та автотранспорт воситаси сотиб олдим. Ҳозир улар автоуловлар кам бўлган ҳудудларда йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

Ишимиздан кўнглим тўқ, режаларимиз катта. Негаки, давлатимиз томонидан тадбиркорларга яратиб берилаётган кенг имконият ва шароитлар бизни янги марраларни забт этишга ундамоқда.

* * *

Юқорида қайд этилган мисоллар мамлакатимизда кафолатли ва ишончли банк тизими яратилиб, у тобора такомиллашиб бораётганидан ёрқин далолатдир. Айнан шунинг учун ҳам тадбиркор ва фермерларимизнинг тижорат банкларига ишончи тобора ортиб бораётир.

Марказий банк материаллари асосида тайёрланди.





ЎзА суратлари

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 28-iyun № 79 (3428)

Фахрийлар ҳақида ҳикоялар

Алибой Эргашев... Унинг йигирма беш йилдан зиёд меҳнат фаолияти газета билан чамбарчас боғлиқ. Ғаллаорол туманида чиқаётган «Ғаллаорол овози» газетасининг ўтмишдоши бўлган «Меҳнат байроғи»га турли йилларда Ҳайитбой Ҳайдаров, Саримсоқ Шойзақов ва Жуман Турдиевлар қаторида Алибой Эргашев ҳам муҳаррирлик қилган.

Сермазмун умр

...1965 йилнинг кеч кузи эди. Ғаллаорол туман газетаси таҳририятига йигирма беш ёшлар чамасидаги истараси иссиқ йигит ишга келди. Вазифа қанчалик муҳим, мушкул ва масъулиятли бўлмасин, таҳририят ходимлари ва матбаачилар бунинг уддасидан чиқишга астойдил ҳаракат қилишар эди. Ёш Алибой мавжуд шарт-шароитларга тезда кўникиб кетди. Таҳририятнинг ҳар бир топшириғини пухта, аниқ ва ҳозиржавоблик билан бажаришга интилди.

Ўша йиллари ижодий жамоа ва матбаачилар етарли бўлмаганлиги туфайли Алибой ака Эргашев ҳам макет тузар, ҳам ҳарф терар, ўрни келганда саҳифалашни ҳам ўзи бажарар эди. Баъзида тун бўйи шошилинч материаллар тайёрларди.

Алибой Эргашев газетага 1990 йилнинг июн ойигача муҳаррирлик қилди. У толмас, фидойи раҳбар ва ижодкоргина эмас, айни пайтда ташкилотчи ҳамда ёшларга яқин маслаҳатчи эди.

Шундан сўнг «Ishonch» газетасида саккиз йил ишлади. Кейинчалик «Савдогар» ва «Қадрият» газеталарининг вилоят мухбири сифатида фаолият юритди.

— «Ishonch» газетасининг 1995 йил 6 октябр сонида «Пул айланишидаги очиқ, аммо аччиқ гаплар» сарлавҳали танқидий-таҳлилий мақолам босилди, — дея хотирлайди Алижон Эргашев. — Унда банкларда нақд пул етишмаслиги, бу йўналишда қайсидир механизм ишламаётганлиги каби бир қатор камчиликлар Жиззах вилояти мисолида кўрсатиб берилган эди.

Натижада, хазина интизомига риоя қилмаган корхоналар, муассасалар раҳбарлари ва бош ҳисобчиларга нисбатан ўз мансаб лавозимидан озод этиш, тегишли материалларни амалдаги қонунлар асосида кўриб чиқиш учун прокуратурага топширишгача бўлган чоралар кўрилди, ушбу чора-тадбирларнинг бажарилиши вилоят ҳокимлигининг доимий назоратига олинди.

Ҳа, унинг газетада босилган «Қонунбузар ким?», «Саёҳатдаги қўмита», «Бозордаги сунъий дарвоза», «Қишлоқ оқшомлари нега зерикарли?», «Чаккига дакки», «Амалга ошмаган ташаббус», «Эҳ, қорабайирлар», «Икки хил манзара» каби кўплаб мақолалари жойлардаги камчиликларни тугатишга ёрдам берди.

— «Ishonch»дан фахрийликка чиққач, «Эзгулик бекатлари», «Эътиқод ва эъзоз», «Меҳнат қилган — етар муродга», «Сўзга ошуфта кўнгил», «Мактаб яратган шоир» номли тўпламларим босмадан чиқди. Булар «Ishonch» таҳририятида кечган долғали ва ёқимли йилларимнинг ҳосиласидир, — дейди А. Эргашев.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Алибой ака Эргашев Журналистлар ижодий уюшмаси мукофоти ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг бир неча бор Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Ҳозир Алибой ҳожи Эргашев 75 ёшда, кексалик гаштини суряпти. Фурсатдан фойдаланиб, қадрдон устозимизга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилаймиз.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

Сабоқ

Ўшанда Нарпай туманининг «Пахтакор овози» газетасида ишлардим. Газетанинг янги сонини тайёрлаётгандик. Мен навбатчи эдим. Бош муҳаррир кўригидан сўнг саҳифа қўлимга тегди. Худди шу паллада муҳаррир ўринбосари Нарзулла Пардаев (охирати обод бўлсин) шиддат билан хонага кириб деди: «Шошманглар, мен топган имло хатоларини тузатиш керак!» Муҳаррир устозга кўз қирини ташлаб, у кишига қулоқ тутди. Нарзулла ака қўлимдаги саҳифаларни олиб, бир неча тиниш белгиларини жой-жойига қўйиб чиқди. Биласизми, у даврда битта хатони тузатиш учун бутун бошли қатор қайта терилар, унисини тўғрилайман, деб бошқа хатога йўл қўйиларди ҳам. Бош муҳаррир хонасидан чиққач, жаҳлимни жиловлай олмай киноя аралаш дедим:

Хатонинг кичиги бўлмас

— Шу вергуллар қўйилмаса ҳам гапдаги фикрлар ўзгармаяпти-ку, Нарзулла ака!

— Фикрингизга қўшилмайман, — деди устоз босиқлик билан. — Биргина вергул бутун бир гапнинг маъносини ўзгартириб юборади. Тиниш белгиларини жойига қўймаслик ҳам хато. Хатонинг катта-кичиги бўлмайди...

Орадан анча вақт ўтди. Бир куни ишга келсам, ҳамманинг қайфияти тушкун. Сабабини суриштирсам, газетанинг биринчи бетида «Х» ҳарфи ўрнига «Ж» ҳарфи терилиб, «Раҳмонхўжаев» фамилияси «Раҳмонжўжаев» тарзида чоп этилибди. 6400 нусха газетани қайта чоп этиш осон иш эмас. Ҳар биримиз қўлимизга ғаладондан «Х» ҳарфини олиб, «жўжа»дан «хўжа» ясашга киришдик. Шу-шу хатонинг катта-кичиги бўлмаслигини тан оладиган бўлдим.

Нарзулла ака билан қисқа вақт ишлаган бўлсам-да, ундан кўп нарса ўрганишга улгурдим.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Музейларнинг моддий-маънавий меросни асраб-авайлашдаги ўрни ниҳоятда муҳим эканлиги барчамизга маълум. Поп тумани 16-сонли Давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати «Ўлкашунослик ва этнография» музейи, айтиш мумкинки, юқоридаги барча талабларга жавоб беради. Музей ҳудудимиз тарихига бағишланган, юртимиз кулолчилик мактаблари фаолиятидан намуналар, 19 асрда ўзбек хонадони кўриниши ҳамда Ўзбекистонда халқ таълими тарихи каби тўртта бўлимдан иборат бўлиб, мавзуга доир юзлаб экспонатлар киши эътиборини тортади.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат

Санаторий ахборот-кутубхоналарида

Китоб инсоният яратган энг эзгу, энг улуғ кашфиётдир. Китоблар маънавиятимизни бойитиш, дунёқарашимизни кенгайтириш орқали бизни ўтмиш билан боғлайди. Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида бу ҳақда шундай дейилади: «Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади».

Элга маърифат улашиб

Тезкорлик ва қулайлик бугун кутубхона хизматининг энг устувор мезонига айланаётир. Зиё масканларида зукко китобхонлар учун исталган китоб ва ҳатто қадимий қўлёзмаларнинг электрон нусхалари, электрон каталоглари яратилаётгани, масофадан туриб билим ва ахборотлар берилаётгани ўқувчиларга қулайлик яратаётир. Табиийки, бунда Президентимизнинг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори асосида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасарруфидаги Санатор-курортлар бошқармаси тизими санаторийларидаги кутубхоналарда электрон ахборот, электрон кутубхона ресурсларидан кенг фойдаланиш фаолият кўламини кенгайтириш билан бирга, янги имкониятлар эшигини очишга ҳам мустаҳкам замин яратади. Шу мақсадда Ўзбекистон Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, республикамиздаги бошқа йирик ахборот-кутубхона муассасалари ҳамда МДҲда фаолият юритаётган санаторий кутубхоналари билан интернет орқали ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Ҳар бир санаторийда Бошқарув раиси етакчилигида «Ахборот-кутубхона фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш» тузилиб, бу борадаги ишлар кўлами кенгайиб бораётир.

Айни кунда Санатор-курортлар бошқармаси тизимидаги 15 та санаторийда маърифий методологик ахборот-кутубхона ташкил этилган. Ушбу масканлар дам олувчиларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, уларга руҳий кўтаринкилик ва яхши кайфият бағишлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Ҳозирги глобаллашув даврида ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ғояларга садоқат руҳида, маънавий-ахлоқий жиҳатдан комил инсон қилиб тарбиялашга кўмаклашиш, уларнинг китобхонлик савиясини шакллантириш, дунёқарашларини ўстириш санаторий кутубхонаси фаолиятининг бош мазмунини ташкил этади. Шу мақсадда ҳар душанба китобхонлар куни деб эълон қилинган бўлиб, азалий қадриятларимиздан бўлмиш оила мустаҳкамлигини кучайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш мақсадида кутубхоналар томонидан кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, видеороликлар, филмлар намойиши ёрдамида соғлом турмуш тарзи, аёллар орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш ва дунёдаги глобал муаммолар — ОИТС, «Оммавий маданият», гиёҳвандлик, одам савдоси, диний экстремизм, терроризм ва инсон ҳуқуқларига доир давра суҳбатлари, мутахассислар билан учрашувлар ташкил этиляпти.

Санаторий кутубхоналарида 48 900 та китоб бўлиб, китобхонлар сони 65 минг 739 нафарни ташкил этади. Шунингдек, тизим кутубхоналарида ахборот, электрон нашрлар ва ҳужжатлар билан ишлашни электрон кўринишда олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса аҳоли тиббий маданиятини оширишга хизмат қилмоқда. Тизимдаги кутубхоналарни мустақиллик даврида нашр этилган китоблар билан доимий бойитиб бориш, турли байрамлар, саналарда янги китоблар кўргазмасини ташкил этиш одат тусига айланган.

Санаторийларда ахборот билан таъминлашнинг ягона тизими барпо этилган бўлиб, Касаба уюшмалари Федерациясининг Интернет-сайти муваффақият билан ишлаб турибди.

Бу борадаги хайрли ишларимизга 23-25 апрел кунлари Қарши шаҳрида бўлиб ўтган Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфидаги кутубхоначиларининг «Интернет ва ахборот-кутубхона ресурсларидан фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида фойдаланиш» Халқаро конференциясида олган сабоқларимиз асосий манба вазифасини бажармоқда. Анжуманда нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда АҚШ, Россия, Германия каби давлатлардан келган етук мутахассислар ўз маърузалари билан иштирок этди.

Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфидаги кутубхоналар бугунги кунда тарихан қисқа даврда эришилган бетимсол ютуқлар тарғиботчисига айланибгина қолмай, балки фуқаролик жамиятининг кенг кўламли ислоҳотларида фаол қатнашмоқда. Зеро, «Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун».

Санаторий ахборот-кутубхона тизими томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мақомини юксалтириш, оналик ва болаликни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини ривожлантириш борасида ҳам кенг кўламли тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, кутубхоналаримиз ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънавий етук қилиб тарбиялашни янги сифат даражасига кўтариш, манзилли ижтимоий ҳимоя механизмини такомиллаштиришда муҳим назарий-маънавий масканга айланди. Бу кутубхоналар турли жойларда меҳнат қилаётган меҳнаткашлар, аёллар ва ёшлар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ишларида маънавий-назарий ва методик вазифани ҳам бажармоқда.

Абдувоҳид ТОЖИЕВ,
«Чинобод санаторийси» ОАЖ маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби

Реклама ва эълонлар

«Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Жарқўрғон тумани, «Камол бобо» фермер хўжалигини тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 2013 йил 23 июлдаги 19-1306/5385-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Камол бобо» фермер хўжалиги кредиторлар йиғилишининг 2014 йил 21 майдаги № 6-сонли баённомасига асосан «Камол бобо» фермер хўжалигига тегишли, Жарқўрғон туман, Сурхон ҚФЙ, Меҳнатобод маҳалласида сақланаётган қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «МТЗ-80» русумли д/р 94-85 СМ бўлган 1989 йил и/ч трактор. **Бошланғич баҳоси — 6 200 000 сўм.**

2. «Т-40 АМ» русумли д/р 63-54 СМ бўлган 1990 йил и/ч трактор. **Бошланғич баҳоси — 5 302 000 сўм.**

3. «ВТ 150 ДЕ» русумли д/р ЕМ 62-70 бўлган 2008 йил и/ч трактор. **Бошланғич баҳоси — 22 013 000 сўм.**

Савдо 2014 йил 31 июл куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Буюртмаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 30 июн куни соат 18.00.

Юқоридаги автомототранспорт воситалари 2014 йил 31 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 15 август, 2014 йил 2 сентябр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 31 июл учун 2014 йил 29 июл, 2014 йил 15 август учун 2014 йил 13 август куни, 2014 йил 2 сентябр учун 2014 йил 29 август куни соат 18:00 да.

Аукцион савдосига қўйилган автомототранспорт воситалари билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SMM» МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.

Савдо ўтказиладиган жой ва мурожаат учун манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси 6-хона.

Тел: (8376) 221-77-94. *25 октаябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.*

Хизматлар лицензияланган

«Tashkent realtor service» МЧЖ барча тадбиркорлик субъектларини, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Вазирлар Маҳкамасининг 2011йил 25-майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 147-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан танлов савдосига қўйилмоқда:

1. Паркент тумани, Чанги қ.ф.й, «Кунгай» маҳалласи ҳудудида «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси» қурилиши учун ажратилган 0,02 га ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, ҳуқуқнинг минимал қиймати 90271 сўм;

2. Паркент тумани, Паркент шаҳри, «Бодомтепа» м.ф.й. ҳудудида «Сартарошхона» қурилиши учун ажратилган 0,015 га ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, ҳуқуқнинг минимал қиймати 99846 сўм;

3. Паркент тумани, «Ҳисорак» қ.ф.й., «Қуёш» қўрғони ҳудудида «Таркибида сартарошхона, пойабзал тузатиш устахонаси, кичик тикувчилик цехи, гўзаллик салони ва компютер хизматлар бўлган маиший хизмат кўрсатиш уйи» қурилиши учун ажратилган 0,04 га ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, ҳуқуқнинг минимал қиймати 180542 сўм;

4. Паркент тумани, «Чанги» қ.ф.й., «Шахак» маҳалласи ҳудудида «Аҳолига савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва дорихона» қурилиши учун ажратилган 0,06 га ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, ҳуқуқнинг минимал қиймати 270812 сўм;

5. Паркент тумани, «Номданак» қ.ф.й., «Номданак» қишлоғи ҳудудида «Аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси» қурилиши учун ажратилган 0,40 га ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, ҳуқуқнинг минимал қиймати 1805415 сўм;

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Паркент тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2014 йил 28-июл куни соат 18-00 да тўхтатилади. Буюртманомалар танлов ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома беришдан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги маблағни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Тошкент вилояти, Паркент тумани ҳокимлиги биносида 2014 йил 31 июл куни соат 9-00 да очилади. Танлов комиссияси томонидан 10 кун муддат ичида танлов ғолиби аниқланади ва танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг танлов савдоси 2014 йил 31-июлда ўтмаган тақдирда, такрорий танлов савдо 2014 йилнинг 15 август куни соат 9-00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 14 август куни соат 18-00 да тўхтатилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танлов савдосида иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари нусхаси.

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: «Tashkent Realtor Service» МЧЖ ҳ/р: 20208000804876496001 ОАИТБ «Ипак йўли» Миробод филиали, МФО: 01101, ИНН: 301743808.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил : Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси 10-уй, 16-хона, мурожаат қилиш учун телефон рақамлари: Тел. (8371) 147-40-00, факс: (8371) 150-58-56, электрон сайт: realtorg.uz, Лицензия RR-0008.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -23. 50
Topshirildi - 00.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 618 | 20543 nusxada bosildi | 1 2 4 5